

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1430-ҳадис

1430 - وَعَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، عَشْرَ مَرَّاتٍ كَانَ كَمَنْ أَعْتَقَ أَرْبَعَةَ أَنْفُسٍ مِنْ وَلَدِ إِسْمَاعِيلَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6404، م 2693].

1430. Абу Айюб Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким: «Ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр», деб ўн марта айтса, Исмоил зурриётидан тўрт жонни озод қилгандек бўлади», дедилар».

(Маъноси: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У ёлғиз, Унинг шериги ҳам йўқ, бутун мулк Уники, ҳамд ҳам Унга хос ва У ҳар бир нарсага қодирдир.)

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ҳар икки ҳадисда ҳам «Лаа илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр» зикри тавсия қилинмоқда. Бу зикрни асосан намоздан кейин ёки дуодан олдин ўқилади.

Ҳадисдаги «Мулк унингдир» сўзи билан Жаноби Ҳақнинг салтанати буюк ва улуғ эканлиги билдирилмоқда. Фаришталар олами билан бирга бутун коинот, бошқача айтганда яратилганларнинг барчаси Унинг ҳукмида, Унинг салтанатининг бир парчаси. Шундай экан бир нарсани бор қилиш, йўқ қилиш, бошқариш, неъмат бериш, жазолаш, йиғлатиш, кулдириш, қисқаси ҳукмини ўтказиш фақат Унгагина оиддир.

Бундай Зот барча нарсага қодир. Унинг кучи ҳамма нарсага етади. Ҳеч қандай ёрдамга, ҳеч қандай ўртачига ва ҳеч қандай воситага эҳтиёжи йўқ. Нимани хоҳласа Ўзининг куч қудрати билан бор қилади. У «бўл» дейди,

ҳамма нарса бор бўлади.

Шубҳасиз мулк ва салтанат, куч ва қудрат кимга оид бўлса, шубҳасиз ҳамду сано ҳам унга хосдир.

Бу зикр қачон ва қанча айтилади? Баъзи ривоятларда бу зикрнинг тонгда айтилиши тавсия қилинади. Биринчи ҳадисдан: «кеч киргунича шайтондан омонда бўлади» сўзи ҳам бу фикрни маъқуллайди. Юқоридаги ҳадисчалик саҳиҳ бўлмаган бошқа ривоятда, «Бомдод номозидан кейин ва ҳеч ким билан сўзлашмасдан олдин ўн маротаба» айтиш тавсия қилинади. (Термизий ривояти).

Биринчи ривоятда бу зикрнинг кунда юз маротаба, иккинчи ривоятда эса ўн маротаба айтиш тавсия қилинмоқда. Зеро ҳар кимсанинг бу зикрни кунда юз маротаба айтишга имкони бўлмаслиги мумкин. Оғир машғулотлари туфайли бу зикрни батамом айтмай қўйгандан кўра ҳеч бўлмаса кунига ўн маротаба айтиш тавсия қилинади. Намоздан кейин ва дуодан олдин зотан бу зикрни беш маротаба айтган мусулмонларнинг, яна беш маротаба айтиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу тавсиясини адо қилиши ҳеч ҳам қийин эмас. Бу зикрни юз маротаба айтадиган кимса эса, ҳаммасини бир пайтда айтиши шарт эмас. Фақат энг муносиби бошлагандан кейин битириш ва кечгача шайтондан сақланиш учун тонг вақти айтишдир. Бу зикрни айтиш ошиб кетса 7-8 дақиқангизни олади. Бунга имкони бўлмаганлар фурсат топганида бешдан, ўндан қилиб айтиб ҳам юз маротаба айтса бўлади.

Қанча савоб берилади?. Биринчи ҳадисда бу зикрни ўн маротаба айтган кишига ўн дона қул озод қилганчалик савоб берилиши айtilар экан, иккинчи ҳадисда эса Исмоил алайҳиссаломнинг авлодлиридан келган ўн қулни озод этган каби савоб берилиши айtilмоқда.

Ҳадисда «хатолари денгиз кўпигича бўлса ҳам, кечиb юборилади» сўзи, хатолардан мурод кичик гуноҳлардир. Зеро катта гуноҳлар кечирилиши учун Аллоҳга ёлвориб авф тиламоқ керак. Агар гуноҳи қул ҳаққи бўлса, у инсон билан ҳалоллашмоғи керак. Кичкина гуноҳлар инсоннинг вазифаси бўлатуриб қилмаганлиги учун ёзилади.

«Агар қайтарилган нарсалардан четда бўлсангиз, гуноҳларингизни кечирурмиз ва сизни яхши жойга киритамиз» (Нисо сураси, 31-оят).

Ҳадисдан ўрганганларимиз:

Бу зикр, Жаноби Ҳақнинг қудратини энг тўғри шаклда ифода қилмоқда.

Қўлимиздан келса кунига юз маротаба келмаса ўн маротаба бу зикрни айтишимиз керак.

Бир кунда ўнта қулни озод қилган савобига эришиш, амал дафтарига юзта яхшилик ёздириш, юзта гуноҳнинг кечирилиши ва гуноҳлар денгиз кўпигичалик бўлса ҳам ҳаммасини кечирилиши, шунингдек у кун кечгача шайтондан сақланиш, бошқа шаклда етиша олмайдиган даражада буюк неъмат.

Манба: hadis.islom.uz

